

Биз мусулмонларда ўлганга азо килмок надур?
Жаҳду жид бирлан, денгизлар, можаро килмок надур?

Соч ёзиб, ўздин кетиб, кўкка етуруб навхалар,
Садр айлаб, “хой-хуй” бирла наво килмок надур?

“Сизни кўп кўрди Худойим...”, деб хотунлар йиглашиб,
“Бор ишонган тогим эрдинг...”, деб бино килмок надур?

Неча хотун-киз кўрунг, ташлаб тобутга ўзларин,
“Кош, ман ўлсам！”, деб анга жон фидо килмок надур?

Чикса эркаклар ўлукни кўтариб тобутини,
Эргашиб, кочмай хотунлар оху во килмок надур?

Яъни, ким ўлса, ани отин етаклаб кабрига,
Укки пардин отни бошига жига килмок надур?

Уч кун ўтмасдин хотун-кизлар либосин бошқалар,
Йил-ўн икки ой кийим-бошни каро килмок надур?

Садрму яхши ва ё хаккига Куръон ўқимок?!
Мунча бидъатларга ўзни мубтало килмок надур?

Бас, йигирма, кирку йил ошига ер мулкин сотиб,
Бору йўқдин ажраб, ўзни мосиво килмок надур?

Яъни, бир мискин ўлукига кетар бир канча пул,
Ўлгани етмазми, ортукча жафо килмок надур?

Навбаҳор ўлса, кизил, ок гул кўтариб кабрига,
Тўрт тарафга санчибон сахву хато килмок надур?

Коса сув устина бир чўп кўйиб кирк кунгача,
Келса арвохи ўтурсун, деб рижо килмок надур?
(Тошкандли Тўлаган Хўжамёрий)

З-нўмирдаги жаноб Тўлаган Хўжамёруғни азо ва мотам тўгрисида ёзган шеърларига
уламодин эмас, шоирдин жавоб

Биз мусулмонларни доим шармисор этган будур,
Богу рог мулкимизни барчасин сотган будур.

Кувватим етмас масойилдин жавоб айтай десам,
Аклим айтур: манъи яхши, сарбасар исён будур.

Сочни ёзмок навха килмок садр учун бел бойламок,
Шаръи Пайгамбар на, балким пайрави шайтон будур.

Яъни, хотунларни аъзоси била овози хам,
Аврат эрмиш, Мустафо кавли била Куръон будур.

“Сизни кўп кўрди Худойим”, деса куфр алфоз эмиш,
Кимки кофир бўлса, дермиз они бейймон будур.

Ул фигон Хақдинму ёким кобиз ул-арвоҳдин,
Гар ишонган тогидандур, мурдаи бежон будур.

“Кош, мен ўлсам” демак, бир жумла исёндан эрур,
Кўрсатур кобизга, бемор уйида, деб, ёлгон будур.

То каро эгнидадур бўлмас дуоси мустажоб,
Бу “Дакойик”дин хабардур хохиши Яздан будур.

Садр ўрнига ўкуб, бир ояти Куръон, агар
Фотиха килса ўлукни рухига эхсон будур.

“Вой болам”у “Во отам” деб кичкуруб шармандавор,
Чикса эркак кўчага тахир бо-адион будур.

Мурдани дасторини от узра оройиш била,
Элтадурлар, ийд эмас, машхур кабристон будур.

Йиртишу, пул, жома бермок хукмини билмак нечук?
Билган одам манъ килсун офати хамён будур.

Кабр узра гулларни кўймок одати Ислом эмас,
Гайрларни силкидин, бас, бизлара ўтган будур.

Жумла бидъатдин бу ортуқ коса сув ўстина чўп,
Пашша ўлтургайму ё арвоҳ биза пинхон будур.

Ул куни отун бибилар дийдиёдин ўкишур,
Барча овозин эшитгайлар, Худо урган будур.

Манъига кодир эрур куззоти олий ихтишом,
Пок ўлурди килса гайрат чирки Туркистон будур.

Хайрато, хукмин хавола айлагил олимлара,

Сохиби фатво алардур, маэхаби Нўъмон будур.
(Шахрихонли Мулла Хошим Мухаммад Солих маҳдум)

(Мазкур савол-жавобли манзума “ал-Ислоҳ” журналининг 3-жилди, 1917-йил, 6-сонидан олинди: 798-800-бетлар)
Хамидуллох Беруний